



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ


№13 (95) 26.03.2020 й.п

Долзарб мавзу

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

23 март 2020 й. №176



Ўзбекистон Республикасида аҳолининг санитария-эпидемиологик босойишталлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишда мутасадди давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ташкилотларнинг мувофиқлаштирилган фаолиятини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сон фармойиши билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) қарорларига мувофиқ:

дунёнинг барча давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида мунтазам авиақатновлар тўхтатилганлиги;


Давоми 2-саҳифада >>>

Ушбу сонда

Танлов “Уйдаги юлдузлар”

5-саҳифада >>>

Қорақалпоғистон 1965 йилги эпидемияни қандай енгган эди?



6-саҳифада >>>

“Дарвешона” тарихи



8-саҳифада >>>



Ваҳимадан хиёнатгача бир қадам

Ўзидан ҳам ваҳимаси ёмон бўлган коронавирус пандемияси мамлакатимизга кириб келди.

Бош вазир томонидан ўтказилган матбуот анжуманида мазкур вирусга қарши мамлакатимизда амалга оширилган ишлар, жорий ҳолат, касалликка чалинган фуқаро ҳамда изоляцияга олинган шахслар ва аниқ режалар ҳақида батафсил, кенг мушоҳада билан ҳиссиётга берилмасдан маълумотлар тақдим этилди. Журналистларнинг барча саволларига атрофлича жавоб берилди.

Энг муҳими, ОАВ, блогерлардан аҳоли орасида ваҳима тарқатмаслик сўралди, бу

борада жавобгарлик мавжудлиги тўғрисида огоҳлантирилди. Йиғилишдан сўнг ўтган давр ичидаги вазиятда маҳаллий ОАВ, блогерлар ушбу масалада ўзларини масъулиятли тутишга ҳаракат қилишди, дейишимизга асослар мавжуд. Бироқ бошқа мамлакатларда бўлганидек, бизда ҳам бу касаллик аҳоли ўртасида маълум ваҳимани келтириб чиқаргани бор гап.

Бунда шунинг ҳам тан олиш керакки, айрим ОАВда берилган ва асосан ижтимоий тармоқларда тарқатилган турли материаллар одамларнинг ўнгу сўлига қарамай бозору савдо дўконларидан озиқ-овқат

маҳсулотларини «ғамлаб қўйиш»га, кўп миқдорда сотиб олишига сабаб бўлди.

Шуниси ҳам аёнки, коронавирус каби ялпи хавфларга қарши кураш комплекс жараён бўлиши лозим. Бунда барча турдаги салбий оқибатларнинг олдини олиш учун кенг қўламли ёндашув зарур. Жумладан, аҳоли орасида ваҳима кучайишига энг устувор йўналишлардан бири сифатида қараш даркор. Биз ўзгалар хатоларидан, тарихда ваҳима туфайли келиб чиққан катта йўқотишлардан тегишлича хулоса чиқаришимиз зарур.

Душмандан қўрқма, ваҳимадан қўрқ,

дейилади донолар нақлида.

ВАХИМА ЎЗИ НИМА?

Ўзи ваҳима тўғрисида фанда қандай қарашлар мавжуд?! Психологияга оид китобларда ваҳимага – ҳис-туйғу ва кайфият бузилиши сифатида қаралади. Ваҳимада одамни асоссиз қўрқув босади, киши нима мадандир хавотирланиб, хадиксирайди, безовта бўлади, кўнгли ғашланиб, ороми йўқолади. Унга келажақда фалокат бўлиши муқаррардек, ўзи ёки яқинларининг ҳаёти хавф остида тургандек туюлади.

Давоми 3-саҳифада >>>

Донолар сузлайди... >>>

Ношукрлик кучсизликнинг кўринишидир. Буюк одамлар ҳеч қачон ношукр бўлмайдилар. Гёте

Бекорчиликдан ақлий ва jisмоний ланжлик келиб чиқади. Дмитрий Писарев

Умр ўтказишнинг иккита усули бор. Биринчиси, гўё ҳеч қандай муъжиза йўқдай яшаб ўтиш. Иккинчиси, ҳаётдаги ҳамма нарса муъжиза эканига ишониб яшаб ўтиш. Альберт Эйнштейн

Давоми. Боши 1-саҳифада

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролари бўлмаган шахслари (республика доимий истиқомат қилувчи фуқаролиги бўлмаган шахслар бундан мустасно), шунингдек, йўловчи ташувчи транспорт воситаларини (автобус, енгил автотранспорт ва темир йўл транспорти воситалари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига барча чегара ўтказиш пунктлари орқали кириб бериш тўхтатилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган шахсларни 14 кун давомда махсус ажратилган тиббиёт муассасаси ёки карантин тадбирларини ташкил этишга мослаштирилган базалар ёхуд уй шaroитида карантинга олиш талаби белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига барча кўнгилчолар объектлар, шу жумладан, тунги клублар, дискотека, ресторан, кафе, офисона, чайхона, спа ва массаж салонлар, караоке, биллард заллари, чилим (кальян) марказлари ва компьютер ўйинлари хизматини кўрсатувчи тадбиркорлик фаолияти тўхтатилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига барча турдаги оммавий тадбирлар, шу жумладан, байрам тадбирлари, халқаро тадбирлар ва спорт мусобақалари, шунингдек, театр, кино ва концерт дастурлари ҳамда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилиши (дафн маросимлари 10 – 15 кишидан кўп бўлмаган ҳоллар бундан мустасно) тўхтатилади;

давлат олий таълим муассасаларида, умумий ўрта, ўрта махсус, мактабдан ташқари ва мактабгача таълим муассасаларида ҳамда барча нодавлат таълим ташкилотларида таълим жараёнлари тўхтатилади ва корона-вирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган бошқа бир қатор чоралар қўрилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига 2020 йил 24 март сўра 00.01 дан бошлаб қўйидагиларни назарда тутувчи корона-вирус инфекцияси тарқалишига қарши қўйидагиларни тартиб (кейинги ўринларда – Тартиб) жорий этилсин:

коронавирус инфекцияси асосан Тошкент шаҳри ҳудудига аниқланганлигини инобатга олиб ва ушбу инфекция республикасининг бошқа ҳудудларига тарқалишининг олдини олиш мақсадига бошқа ҳудудлардан Тошкент шаҳрига кириш (автобус, микроавтобус, енгил автотранспорт, авиакатновлар ва темир йўл транспорти воситалари орқали) тўхтатилади, бундан ушбу банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган шахслар, шунингдек, Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан ўтган ҳолда Тошкент шаҳрида меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган давлат органлари ва муассасалари (нодавлат ташкилотларида – иш берувчи томонидан тақдим этиладиган тегишли рухсатнома асосида) ходимлари ҳамда юк ташин билан боғлиқ ҳолларда Тошкент шаҳрига кириш ва чиқишга рухсат берилди;

Тошкент шаҳрига кирувчи ва чиқувчи шахсларда корона-вирус инфекцияси аломатларини аниқлаш бўйича мажбурий тиббий назорат ўрнатилди;

биринчи босқичда Тошкент шаҳрида, кейинчи босқичда Тошкент шаҳрида, вилоят ва туман марказларида жойлашган барча йирик дўхдон бозорлари ва савдо мажмуалари (супермаркет, гипермаркет ва бошқалар) кириш-чиқиш жойларини тегишли мухтаassisлар билан таъминлаш ҳолда тепловизорлар ва антисептик воситалар билан жиҳозланади;

республика ҳудудига хорижий давлатлардан, шунингдек, Тошкент шаҳрига бошқа ҳудудлардан кириб келаётган барча транспорт воситалари, товар ва юкларнинг мажбурий равишда дезинфекция қилиниши таъминланади;

давлат идоралари ва ташкилотларида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари қабул қилиш ҳамда уларга давлат ва бошқа хизматларни кўрсатиш имкон қадар “онлайн” режимга ўтказилади;

фуқаролар томонидан Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва телефон алоқаси учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли икки ой давомда ўчирилшига йўл қўйилмайди;

идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотларнинг асосий иш фаолиятига таъсир этмаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларини меҳнат таълимига чиқариш, қолган қисмининг меҳнат фаолиятини максимал даражада масофадан туриб (“онлайн” режимда ёки масофавий тарзда) ташкил этиш чоралари қўйилади.

Ушбу банднинг бешинчи хатбошида назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳамда қонун ҳужжатларида таққидланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Миллий гвардия ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиология соғийшталик агентлиги билан биргаликда ушбу банднинг учинчи хатбошида белгиланган талабларга сўзсиз риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатилсин;

Тартибнинг амал қилиш даврида, заруратга кўра, қўшимча йул-патруль хизмати стационар постлари ва блокпостлар ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Тартибнинг амал қилиш даврида қўйидагилар ўрнатилсин:

а) корона-вирус инфекцияси аниқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижий фуқаролар, шу жумладан, 2020 йил январь-март ойларида корона-вирус инфекцияси қайди этилган ҳудудларда бўлиб, Ўзбекистон ҳудудига кириб келган шахслар;

Комиссия қарорларига, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиология соғийшталик агентлиги ва эпидемиология қарши курашишга жалб этилган бошқа давлат ташкилотларининг қонуний талабларига риоя этилиши;

Ўзбекистонга қайтиб келганлиги, корона-вирус инфекцияси қайди этилган ҳудудларда бўлган вақти ва жойи тўғрисида зудлик билан соғлиқни сақлаш органларига маълумот бериши;

ўзида касалик аломатлари вуҷудда келганда касалик юқиши эҳтимоли бор даврда мулоқотда бўлган шахслар ва ҳаракатлини йўналишлари ҳақида зудлик билан соғлиқни сақлаш органларига маълумот бериши;

14 кун давомда уйда ёки махсус белгиланган жойда изоляция шaroитида бўлиши; санитария ва эпидемиология қарши курашиш ҳойдалари ва изоляция режимида бўлишга оид талабларга қатъий риоя этиш, шу жумладан, тиббий химия воситаларини қўллаш ва жамиятда бир-бирлари орасида масофадан сақлашга; соғлиқни сақлаш органлари томонидан тайинланган тиббий текширув ва даволашнидан ўтишга мажбурийлиги;

б) давлат санитария назорати органлари томонидан изоляция қилиниши лозимлиги ҳақида талаб қўйилган шахслар билан бирга яшовчилар ҳам 14 кун давомда ёки давлат санитария назорати органлари томонидан белгиланган муддат давомда уйда ёки махсус белгиланган жойда изоляция шaroитида бўлишга мажбурийлиги;

в) корона-вирус инфекциясини юқирган ёки ушбу инфекцияни юқирганлигида гумон қилиниб карантинга жойлаштирилган шах-

сларга тегишли бўлган мобил телефон, аудио ва видео воситалар, банк карталари ҳамда бошқа ахборот ташувчи буюмлар вақтинча олиб қўйилади;

г) идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар раҳбарлари (иш берувчилар) қўйидагиларга риоя этишлари шарт: таъриф буюрувчи шахсларни фақат тиббий ниҳоб ва тиббий воситаларни қўллаган ҳолда киритиш тартибини мажбурий жорий этиши;

иш жойларида ходимларнинг тана ҳароратини ўлчаш ва тана ҳарорати юқори бўлган ходимларни иш жойида бўлишига йўл қўймаслик ҳамда ушбу ходимлар тўғрисида соғлиқни сақлаш органларига зудлик билан хабар етказиши;

давлат санитария назорати органларининг талабномасига мувофиқ корона-вирус инфекциясини юқирган ходим билан мулоқотда бўлганлар ҳақида дарҳол маълумот бериш, касалланган шахс бўлган жойларни дезинфекциядан ўтказиш чораларини кўриш;

ходимларга изоляция режимида бўлишга оид талабларга риоя этишда қўмаклашиш; д) савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиология соғийшталик агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинулари ёки бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш йўли билан дезинфекция воситалари билан таъминланади;

е) Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган дўхдон бозорларидан ташқари барча бозорларнинг фаолияти тўхтатилади;

4. Белгиланган: Комиссия мажмур қарорда белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилиши билан боғлиқ барча масалаларни мувофиқлаштириш ва зарур ҳолларда қўшимча кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Транспорт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда мажмур қарорда белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш билан боғлиқ барча ташкилий масалалар ижросини таъминлайди.

5. Корона-вирус инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) бажариладиган профилактика ва эпидемиология қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда: ўн кун муддатда республикада корона-вирус инфекциясининг тарқалиш даражасини таҳлил қилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тузилган шартнома асосида нодавлат тиббиёт ташкилотларида ушбу инфекция билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича тақвирларни;

бир ой муддатда карантин гуруҳига мансуб бўлган ўта хавfli ва юқумли касаликлар инфекцияси аниқланганда (гумон қилинганда) ўтказиладиган профилактика ва эпидемиология қарши чора-тадбирларни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқирган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда бир кун муддатда тўловларни амалга оширишнинг масофавий

шакллари кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиб амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда хорижий мамлакатларда корона-вирус инфекциясига қарши қабул қилинган қонун ҳужжатлари, амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шу жумладан, тиббиёт соҳасидаги янги ёндашув ҳамда ихтиролар тўғрисида хар кунилик маълумотни Комиссияга тақдим этиб бориш.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигига қарашли санитарий ва бошқа соғломлаштириш масканлари ҳамда давлат тасарруфидаги дам олиш ва соғломлаштириш масканлари, меҳмонхоналари негизида Қорақалпоғистон Республикасида 4 та, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 3 тадан 14 кунлик карантин тадбирлари учун мослаштирилган базалар ташкил этилиши чораларини кўрсин;

карантинда сақланаётган шахсларни бир-бирдан ажратган ҳолда улар ўртасида корона-вирус инфекцияси тарқалишининг максимум олдини олиш имконини берувчи махсус карантин объектлари қурилишини қисқа муддатларда таъминласин.

10. Комиссияга жорий этилган Тартибнинг амал қилиш даврида қўйидаги қўшимча вазирлар юкласин: корона-вирус инфекцияси аҳоли ўртасида тарқалишининг олдини олишга қаратилган зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминласин;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларининг фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш; биринчи навбатдаги дори воситалари, ниҳоб ва тиббий буюмларнинг (дезинфекция воситалари ва бошқалар) аҳолига қатъий белгиланган нархларда узлуқсиз етказиб берилишини назорат қилиш;

республикада корона-вирус инфекциясини тарқалиши билан боғлиқ вазиятни мунтазам таҳлил қилиш ва вазият барқарорлашгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тартибнинг амал қилиниши тугатиш юзасидан тақвир қилиш.

11. Комиссияга унинг зиммасига юклатилган қўшимча вазирларнинг амалга ошириш учун қўйидаги ҳуқуқлар берилинсин: идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда корона-вирус инфекциясини тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган шароитларни текшириш ҳамда назорат олиб бориш; алоҳида аҳоли пунктлари ва ҳудудларда карантин тадбирлари ҳамда карантин жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотлардан ҳужжатлар талаб қилиш ҳамда улар раҳбарларини корона-вирус инфекциясини тарқалишининг олдини олиш юзасидан қўйидагиларни, санитария-тигиена тадбирлари ва эпидемиология қарши чора-тадбирлар бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни Комиссия мажлисларида эшитириш; вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларининг айби (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) билан корона-вирус инфекцияси ааж олишига йўл қўйиладиган, уларни эгизлаб туққан лозимидан овоз этиш тўғрисида юқори турдаги ташкилотларга, шунингдек, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга

қўриб чиқиши учун киритиш.

12. Белгилансинки, Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

13. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Тартибнинг амал қилиш даврида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, истисно тариқасида, божхона чегараси орқали ўтказиладиган зарур дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, уларни ишлаб чиқаришда иштирокчилар материаллари ва субстанциялар учун “йиши” йўлақлар ташкил қилади ва ушбу товарларга нисбатан божхона божлари ундирилмайди;

дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, уларни ишлаб чиқаришда иштирокчилар материаллари ва субстанциялар учун, истисно тариқасида, тендерлар ёки таълов савдолари ўтказмасдан энг яхши тақдирларни танлаб олиш йўли билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда Тартибнинг амал қилиш даврида аҳолининг реал даромадлари барқарорлигини таъминлаш мақсадига илчиларга оғлиқ иш ҳақлари узлуқсиз ва ўз вақтида тўлиниши таъминлаб бориш ҳамда республикадаги бандлик даражаси тушиб кетмаслиги бўйича аниқ ва манзилли чора-тадбирларни амалга оширин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиология соғийшталик агентлиги билан биргаликда корона-вирус инфекциясини юқирган ёки ушбу инфекцияни юқирганлигида гумон қилиниб, уй шaroитида карантинга жойлаштирилган шахслар томонидан карантин қоидаларига риоя қилиниши устидан қатъий ва тизимли назорат ўрнатсин ҳамда карантин ўташ даврида ушбу шахсларни биринчи навбатдаги оқиш-овқат маҳсулотлари, дори воситалари, ниҳоб ва тиббий буюмлар (дезинфекция воситалари ва бошқалар) билан таъминлаш чораларини кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Факулда вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия Тартибнинг амал қилиш даврида жомат тартибини сақлаш чораларини қўлайтирсин.

17. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг тушунтирилишини;

масъул вазирлик ва идораларни жалб қилган ҳолда корона-вирус тарқалиши билан боғлиқ вазият ҳамда жорий этилган Тартиб тўғрисида тўлиқ ва ҳолисона маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиб берилишини таъминласин.

18. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммаларда қолдираман.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Арипов

Давра суҳбати

**Стартап
лойиҳалар –
янги
ёндашувлар**



Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "2020 – илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" доирасида илмий ишлар ҳамда инновация бўйича проректор Гўзал Холиқулова бошчилигида институтнинг барча кафедра мудири, докторантлар, магистрантлар ва иқтидорли талабалар учун стартап лойиҳаларини тайёрлаш, ишлаб чиқиш, амалиётга татбиқ этиш бўйича давра суҳбати ўтказилди. Унда санъат ва маданият соҳаларида илмий-

тадқиқот ишлари олиб бораётган магистранту докторантларнинг диссертация ишларидан стартап лойиҳалар яратиш, илмий-ижодий жараёнларда янгича ёндашувлар, инновациялар қўллаш масалалари ўртага ташланди. Эндиликда профессор-ўқитувчилар берган қатор таклифлар юзасидан лойиҳа дастурлари мукаммал тарзда ишланиб, тақдимот қилинади ҳамда амалиётга топширилади.

Давра суҳбатида "Чолғу ижрочилиги" кафедра-

си мудири профессор Ҳозали Тошматов стартап лойиҳалар бўйича маълумот берди. Шу ўринда институтнинг бир қанча профессор-ўқитувчилари, жумладан, Гўзал Холиқулова, Ҳозали Тошматов, Бахтиёр Салайдинов, Гулноза Ариповаларнинг халқаро даражадаги тури лойиҳа ва танловларда грант дастурларини қўла киритганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу каби жараёнлар ҳали давом этади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти матбуот хизмати

Долзарб мавзу

Ваҳимадан хиёнатгача бир қадам

Бундай шароитда шахсда асосли, оқилона қарорлар қабул қилиш лаёқати чекланади.

Албатта, бу ҳолат фақат бизнинг мамлакатимизга хос десак, адолатдан эмас. Зеро, коронавирусликнинг жаҳон миқёсидаги зарарлари ҳақида бир-бирдан мудҳиш хабарлар учриб бораётган бир шароитда, кўпгина мамлакатларда бизда кеча кузатилганига ўхшаш вазиятлар намоён бўлмоқда.

Мазкур ҳолатни айрим мутахассислар инсониятнинг қадимги давр ёки ўрта асрларда кечирган пандемияларнинг «генетики» асорати сифатида баҳолашади. Аммо биз XVIII-XIX асрда, ҳатто XX асрда ҳам эмас, балки XXI асрда яшаётганимизни унутмаслигимиз керак.

Сўнги юз йилликдаги инсониятнинг ўсиш кўрсаткичлари айнан тиббиёт тараққиёти эвазига умумий умр кўриш давомийлиги ортгани исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

ВАҲИМА ВА ТЕРРОРИЗМ

Аммо инсониятнинг турли касалликлар олдидидаги тарихий кўрқув ҳисси, сўнги асрда визуал ахборот воситалари ривожланиши билан янада «мустаҳкамланди», десак ҳам янглишмаймиз. Жумладан, турли ялли касалланишлар ҳақидаги фильмлар кишиларнинг онгостига ўрнашиб қолиб, улар олдидида реал ҳавфни «охирзамон офати» даражасига олиб чиқиб қўяётгандек гўё.

Агар жиддий фактларга эътибор қаратсак, бугун аввалги пандемияларга нисбатан, анча камроқ ҳавф олдидида турганимиз аққол сезилади – 16 март ҳолатига кўра, мазкур касалликка чалинганлар ўртасида ўлим кўрсаткичи 4 фоизга ҳам етмайди.

Бундан келиб чиқадикки, коронавирус худди терроризмга ўхшаш эффект уйғотмоқда. Яъни аслида терроризм ординан кенг қўламли урушга нисбатан камроқ қурбонлар берилса-да, унинг оммавий ахборот воситаларидаги «довруғи» бутун дунёни ларзага солади. Ҳақиқий урушлар эса, у ёки бу «қайноқ нуктадаги вазият», деб ёритилади. Терроризмнинг асл мақсади ҳам шу – дунёни кўрқитиш. Шу боис Исроил бош вазир антитеррор технологиялар ёрдамида коронавирус

тарқалишига қарши курашишни айтиш бўлса, эҳтимолдан холи эмас.

**АХБОРОТ ВА ИЖТИМОЙ
МАСЪУЛИЯТ**

Мазкур пандемия ҳали эпидемия босқичидаёқ Швейцария Миллий телерадиокомпаниясининг Халқаро ахборот хизмати «бир томондан, ОАВ аҳолини воқеалар ривожидан хабардор қилиб туриши керак, бошқа томондан эса, ОАВ ёки оммавий коммуникация воситаларидаги «фаоллар» кўпроқ «лайк» йиғиш учун ваҳимани кучайтириши – ахлоқсизликдир», деб ёзган эди.

Хориждаги ўзбек аудиториясига мўлжалланган айрим деструктив ОАВ фуқароларимиздан керак-зор, савдо объектларидаги навбатлар ҳақида фото ва видео материалларни жўнатишни сўраб мурожаат қилмоқда. Бундан муддао нималиги аниқ. Улар яна бир бор ўзларининг ҳақиқий башарасини кўрсатмоқда холос. Бундай фото ва видео материалларнинг тарқатилиши одамларда янада саросима ва ваҳима кучайишига хизмат қилади. Бу эса улар кутган ҳолат.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда бирорта касалликнинг кенг тарқалишида транспорт-коммуникациялари ривожлангани ва инсонларнинг турли мақсадлардаги ҳаракати энг муҳим омил бўлиб турибди. Бошқа томондан бу жараёнда одамларнинг ўзларини қандай тутиши жиддий аҳамиятга эга.

**ВАҲИМАНING ЎЗИ ЯРИМ
КАСАЛЛИКДИР**

Мазкур вазиятда нафақат тиббиёт соҳаси, балки инсон руҳини ўрғанадиган социал психология мутахассислари катта саҳнага чиқиши лозим. Зеро, буюк бобокалонимиз Ибн Сино айтганларидек, ваҳиманинг ўзи ярим касалликдир. Хотиржамлик – ярим соғлик. Сабр эса – шифонинг бошланиши.

Албатта, кенг оммадан оддийгина қилиб, ўзини намунали тутишни сўраш, етарли бўлмаслиги мумкин. Чунки у бугун жуда катта ахборот босими остида қолган. Ана шундай шароитда социология, психология мутахассислари коммуникация воситалари

орқали инсонларни ўзлари билмаган ҳолда ваҳимага берилиб, турли ҳаракатлардан тийилишига чақиритиш йўллари ни кўрсатиб туришса, айти муддао бўларди.

**МИЛЛАТ
БОШИДАГИ СИНОВ**

Миллат ва мамлакат тарихида шундай кунлар учрайдикки, бундай вазиятда халқ ўзининг бир мақсад йўлида бирлаша олиш қобилиятини намоён эта билиши, қийинчиликларни мардондор қаршилашга тайёрлигини кўрсатиши лозим. Яъни элга ташаббусни ўз қўлига оладиган қатлам даркор. Бундай қатлам, мантқий ўйлаб қараганда, давлат хизматчилари бўлиши лозим. Зеро, улар ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан, фидоийлик билан бажара туриб, халқ бошига оғир синов тушган маҳал жамиятда ўзини тута билиб, бошқаларга шахсий намуна кўрсатиши ва юксак ахлоқий қондаларга риоя қилиши лозим. Буни биздан кўра, бир неча минг баробар йирик ҳавф остида қолган Хитой тажрибаси исботлаб берибди.


Жамиятнинг фаол қатламларини бирлаштирган нодавлат ташкилотлари эса, ўз навбатида, синовли кунларда халқимиз хотиржамлигини сақлаб қолишда таянч бўлиши мақсадга мувофиқ. Зеро, дўст кулфатда синалади.

Ҳар бир жамиятда бўлгани каби биз ҳам, афсуски, қусурли шахслардан холи эмасмиз. Ана шундайларга қонунчилигимизда кўзда тутилган жазо муқарраллигини таъминлаш ҳам халқимиз осойишталигининг муҳим шартидир.

Ҳар қандай ОАВ, ижтимоий тармоқнинг фаол фойдаланувчиси интернет тармоғига жойлаётган маълумоти бевосита ёки билвосита, умуман, заррача миқдорда бўлса ҳам, ваҳимага олиб келишига сабаб бўлмайди, деган саволни ўз олдига қўйиши лозим.

**ВАҲИМА УЧУН
ЖАВОБГАРЛИК**

Миллий қонунчилигимизда ваҳима тарқатганлик учун му-



махрум қилиш билан жазоланади.

Агар юқоридидаги ҳаракатлар олдидан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан; оммавий ахборот воситалари ёхуд телекоммуникация тармоқлари, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоқидан фойдаланиб содир этилган бўлса, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлашни истардикки, биз ҳозир дуч келган ташвишлар кун келиб ўтиб кетади, ғалвир сувдан кўтариладиган вақт келади... Ана шу онларда босиб ўтган йўлимизни нафақат ўзимиз, балки бизга хайрихоҳ бўлмаган кучлар ҳам таҳлил қилади. Ўшанда Ўзбекистон халқи қийинчиликни қанчалик оқилона енгиб ўтди, деган савол юзага чиқади, ожиз жиҳатларимизни аниқлашга ҳаракат қилишади.

Аммо биз бу вазиятда халқимизнинг қадимдан шаклланиб келган донишмандлик хислатлари намоён бўлишига ишонамиз ва бу келажақда хотиржамлигимизга раҳна солиш илминини юрган ғаразғўйларга аниқ сигналдек хизмат қилади ҳамда зинҳор халқимизни оломонга айлантиришга жазм этмайди.


**Х.МЕЛИЕВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими**

Тaqдирот

Андижон вилояти кўғирчоқ театрида янги спектакль



Танлов



“Маҳалла – ватан ичра ватан”



“Ўзбекино” Миллий агентлиги Маданият вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликда “Маҳалла – ватан ичра ватан” бадий ва ҳужжатли фильмлар ҳамда видеороликлар сценарийлари танловини эълон қилади.

Уни ўтказишдан мақсад – миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, аҳоли, айниқса, ёш авлодни Ватанга садоқат, аъналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маҳалланинг катта ижтимоий куч сифатидаги мавқеини ошириш, ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини акс эттиришдан иборат.

Танловда давлат ва нодавлат киностудиялари вакиллари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, ҳаваскорлар, журналист ва сценаристлар, олий ўқув юрталари талабалари қўйидаги номинациялар бўйича ўз махсулотлари билан иштирок этишлари мумкин:

■ Маҳалла ҳақидаги энг яхши бадий фильм сценарийси;

■ Маҳалла ҳақидаги энг яхши ҳужжатли фильм сценарийси;

■ Маҳалла ҳақидаги энг яхши видеоролик сценарийси. Ҳолилар танлов ташкилотчилари томонидан белгиланган пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Тегишли номинациялар бўйича ғолиб деб топилган сценарийларга белгиланган миқдорда қалам ҳақи тўланади, улар асосида фильм ва роликлар суратга олинади. Шунингдек, мамлакатимизнинг давлат ва нодавлат телеканаллари орқали намойиш этилади.

Танлов учун тавсия қилинган фильм ва роликлар сценарийлари 3 нускада босма ва электрон шаклда танлов ҳаётига топширилади.

Танловга материаллар 2020 йилнинг 10 майга қадар қўйидаги манзилларда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри Чилонзор кўчаси 1-а уй,

тел: (71) 277-81-44

Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Истиклол кўчаси 51-уй,

тел: (71) 236-37-90

Бугун театр тарғиботи кундан-кунга ривожланиб, эзуликка чорловчи спектаклларнинг кўпайиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Жумладан, Андижон вилояти кўғирчоқ театри ҳам ижодий йўналишда ўз ўрнига эга бўлиб бораётгани сир эмас. 6 март кунини Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Театр арбоблари уюшмаси мутахассиси Мухаррамхон Бозорова, Андижон вилоят мусикали театри адабий эмақдоши Зиё Нажмий, вилоят ёшлар театри директори Бекзодбек Ҳамидов ва бошқа томошабинлар эъ-

тиборига Ш.Сапаеванинг “Кулча нон” спектакли ҳавола этилди. Режиссёр Дилмурод Шайхон томонидан саҳналаштирилган ушбу асар болажонларни сергалликка, меҳнатсеварликка ундаши билан аҳамиятлидир. Спектакль сўнггида мутахассис Мухаррамхон Бозорова ўз мулоҳаза ва тақлифларини айтиб ўтди. Баъзи камчиликлар премьерача тузатилиб, болажонларга тақдир этилишига ваъда берилди. Спектаклнинг ўзига хос ютуқлари ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бош қаҳрамон Акронинг янада жонлироқ ҳаракатланиши, у би-

лан Бошоқ бобо ўртасидаги зиддиятни биров кучайтириш, боланинг кўрқувини аниқ кўрсатиш тақлифлари билдирилди.

Болажонларда ҳалол меҳнат қилиш тушунчаларини шакллантириш, бировнинг пешана тери эвазига етиштирилган ҳосилни нобуд қилмаслик, бир бурда нон учун тер тўкиш лозимлигини “Кулча нон” спектакли орқали кўрсатиб беришни мақсад қилган театр ижодкорлари ўз вазифаларини уддалай олдилар.

Мансурбек Рўзиев,
Театр бадий бўлим мудири

Кун сўхбати

Психолог: Кўрқув бўлмас, беписандлик, лоқайдлик, бефарқлик авж олади

Бугун бутун дунёда раҳна солаётган коронавирус пандемияси ҳар бир инсон руҳиятида турли даражада салбий ҳислар, кўрқув ва ваҳималар уйғотиши тайин. Буларнинг ҳаммасини ахборотлар стресси деб баҳоласак, айни пайтда бизда ҳам шундай ҳолат кузатишмоқда. Ваҳоланки, бундай ахборотлардан анча олдин хабардор эдик ва маълум вақтда психологик тайёргарлигимиз ҳам бор эди, лекин касаллик бизга чатиб келмас керак, деган ўй-хаёлларда юрардик...

Хўш, энди нима бўлади? Бизга тинчлик бермаётган ички хавотирларимизни бу ёғига қандай бошқарамиз? Айнан шулар ҳақида тажрибали психолог Шоира Исоқова билан сўхбатлашамиз.

– Ҳар бир маълумот тинглаш ва аниқлашнинг орқали онг остига жойлашади. Кўрқув эса табиий ҳимоя воситаси ҳисобланади. Инсонда кўрқувнинг бўлиши баъзи хавотирларга нисбатан жиддийроқ ёндашишни талаб этади. Бундай ҳолатларда биз уни ижобий кўрқув десак ҳам муволажа бўлмайди – дейди психологимиз. – Айнан, пандемияга бўлган кўрқув ичимиздаги бор хавотирларни кучайтириб юборди. Бу эса янада хушёр ва эҳтиёткор бўлишга, ҳаётимизга нисбатан масъулиятни чуқурроқ аниқлашимизга ундайди.

Ваҳима эса шахсий хусусиятлар, ичимизда салбий фикрлар кўпайганда пайдо бўладиган руҳий ҳиссиётларимиздир. Ва ўз навбатида турли нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради. Ҳар биримиз ўзимиз, оиламиз, яқинларимиз ҳаётини ўйлаб озми-кўпми хавотирланамиз. Ваҳима ичимизда галаён кўтарган фикрларнинг кучайишига олиб келади ва кўрқувимизни икки-уч хиссага кўпайтиради. Айниқса, болажонларимизнинг таъсирчан эканини ҳисобга олсак, уларнинг хавотири, кўрқуви ортада ва стресс кучайди. Бу масаланинг бир томони, лекин иккинчи томони борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Айни вазиётада ваҳима қилмасак ҳам бўлмайди. Ваҳимасиз юриш бефарқлик, лоқайдликни пайдо қилади. Одамлар онига «бу кўрқинчи эмас, ўзи ўтиб кетади, ўзи тўзалади, ҳеч нарса қилмайди», деган фикрлар келиши мумкин.

– Тўғри, коронавирус билан ҳазиллашиб бўлмайди, лекин касалликнинг шу пайтгача қанчадан қанча касалликларни енгиб қолган. Шундай эмасми?
– Албатта, ҳар бир давр ўзига хос синовлар, муаммолар, турли касалликлар билан ҳам ёдимизда қолади. Баъзан инсон хато қилади ёки ҳаддан ошади, ўзлигини йўқотиб, турли салбий иллатларини юзага чиқаради. Ўша ҳаётларимиз учун ҳам шунча вазиётларга дуч келишим. Ҳозир ота-боболаримизнинг ибратли ўғитларига қулоқ солиб, сабр, шукрни кўпайтириб, ҳаммасидан тўғри хулоса чиқаришимиз айни мавридид.

Тан олиш керак, бундай касаллик билан ҳазиллашиб бўлмайди. Коронавируста бефарқ, лоқайд, беписанд қарасак, ақинларимиз ва оила аъзоларимиз ҳаётини катта хавф остига қўйишимиз мумкин. Қачонки, унга нисбатан иродимизни мустаҳкам қила олсак, психологик иммунитет ҳосил қилсак, санитария қоидаларига сўзсиз риоя этсак, карантин

қоидаларини бузмасак, ўзимиз ва оиламиз учун масъул бўла олсак, барчамиз меҳри, эътиборли, ҳамжихат бўлсаккина бу касалликни енгитамиз.

– Бугун қимлардир коронавирусдан қаттиқ кўрқётган бўлса, қимлардир бундайларнинг устидан куллагти. Мутахассис сифатида мазкур вазиётни қандай изоҳлайсиз?

– Баъзан ижтимоий тармоқларда бу шунчаки ўйлаб топилган касаллик ёки Хитой давлати ташкиллаштирган фитнес деган мишмишлар тарқалишига гувоҳ бўлишимиз. Мишмиш, фитнес, касалликка чалинган давлатларни кўряпмизми, улардаги оғир вазиётларни кузатишимиз, демек, хотиржам ўтиришга ҳаққимиз йўқ. Ҳар хил сохта ахборотларга ишонмай, ҳукуватимиз томонидан берилаётган топирикларни жиддий қабул қилиб, мана шу даврда бир миллат ва халқ эканимизни теран тафаккуримиз, юксак онгимиз, кенг дунёқарашимиз орқали намёнэ этишимиз керак.

– Айнан ваҳимага тушмаслик учун нима қилиш керак?

– Энг аввало, ўзимизни қўлга олиб, вазиётга масъулият билан жиддий ёндашимиз зарур. Ваҳима қилиб нимага эришимизни тасаввур қилиб кўринг, фақат ўзингиз, яқинларингиз, атрофдагиларни стрессга соласиз ҳолос. Стресс эса инсонни кучдан қолдиради. Ўрни иштаҳа йўқолади, иммунитет тушади. Заиф иммунитет эса ҳар қандай касалликлар олдида ожиз қолади. Шундай экан биз бу йўлдан кетмаслигимиз керак. Ваҳимани, бефарқликни бир четга суриб, соҳа мутахассислари бераётган тавсияларга тўлиқ амал қилишимиз зарур.

Ҳеч ким оила тинчлиги, фарзандлар тақдирини бефарқ бўлмасин! Яхшиси, ажрим ёки жар ёқасига келиб қолган оилалар бир тўхтамага келишдан олдин чуқур ўйлаб қўйиш, эҳтимол, бу оилангизни тиклаб олиш учун берилган имкониятдир. Турмуш ўртоғингиз билан самимий мулоқотда бўлинг, мана шу кескин вазиётларда бир-бирингизни қўллаб-қувватланг!

– Карантин вақтида уйда ўтирган юрдошларимизга руҳиятнинг мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришга хизмат қиладиган тавсияларингиз борми?

– Энг аввало, ҳаммамиз карантинда ўтириш – ўзимиз, оиламиз ва яқинларимиз саломатлигига хавф солиши мумкин бўлган

касалликдан соғ-саломат чиқиб олишимиз учун берилган масъулият эканини аниқлашимиз керак.

Кўйида қайфиятнинг туширмаслик ва руҳиятнинг мустаҳкамлашга доир тавсияларини бериб ўтмоқчиман. Улар ҳар бирингизда ижобий натижа беришига ишонанман!

■ Дастлаб ички хотиржамликка эришган ҳолда карантин қоидаларига тўлиқ амал қилишга ўзингизни соғлаб олинг!

■ Карантинга – шунчаки вақт ўтказишдек эмас, балки оиламиз, фарзандларимиз даврасида кўпроқ бўлишимиз учун берилган имконият деб қарайлик. Чунки иш, рўзгор ва бошқа ташвишлар деб фарзандларимиз, оиламизга вақт ажрата олмаслигимиз бўйича кўп шикоят ва эътирозларимиз бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

■ Ўзингиз ва оила аъзоларингиздан карантин қоидаларига тўлиқ риоя этишни талаб қилинг!

■ Тозалик ва озодаллик алоҳида эътибор беринг!

■ Нафақат тана тозаллиги, балки руҳият поклиги ҳам доим муҳим ўрин тутганини унутманг.

■ Ўзингиздаги негатив фикрларни йўқотинг, турли аламзадалик, нафрат, ғазаб каби нуқсонларни бартараф этиш устида бош қотиринг. Ижобий фикрларни тарбияланг!

■ Олдингизга мақсадлар қўйинг, янги режалар тузинг, бажаришнинг лозим бўлган вазифаларни белгилаб олинг.

■ Фарзандларингиз даврасида ибрат бўладиган турли мавзулардаги китобларни ўқинг, улар билан сўхбатлашинг, оилангизда мавжуд бўлган бўшлиқни меҳр-муҳаббат билан тўлдирिशга ҳаракат қилинг.

■ Концертлар, яхши кинолар томоша қилинг, уйда кўпроқ бўлишга одатланг.

■ Руҳий ҳолатингиз устида ишланг, салбий нуқсонларингизни йўқотинг, психологик иммунитетингизни мустаҳкамлаш, психологик китоблар ўқинг.

Бу сизу бизга берилган синов. Ҳар биримиз уни тўғри аниқлаган ҳолда ҳаракат қилишимиз керак, чеклов қўйилган ҳудудларга бормаслигимиз, оила даврасида қоллишимиз шарт, тавсияларга қўра, кўпроқ сув ичишимиз зарур.

Энг муҳими, ҳар бир ҳолатга соғлом фикр билан ёндашсак, албатта бу синовлардан эсонмон ўтиб оламиз.

– Самимий сўхбатингиз учун раҳмат!
Ш.Исроилова



Фестиваль
“Она заминда баҳор”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ташаббуси доирасида 2020 йил март ойида амалга оширилаётган тадбирлар режаси” да белгиланган лойиҳа ва вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан жорий йилнинг 14 март куни Термиз ихтисослаштирилган санъат мактабида “Она заминда баҳор” фольклор фестивали ўтказилди.

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ташкил этилган ушбу фестивалда ўқувчилар томонидан тайёрланган халқ оғзаки ижоди ва фольклор қўшиқларидан иборат алла, ўлан, лапар, рақс, терма, сахна кўринишлари ҳамда маросим қўшиқлари ижро этилди. Улар ноёб анъаналаримизнинг авлоддан-авлодга ўтишига шароит яратиш билан бирга, ўқувчиларнинг ижро маҳорати

кўникмаларини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.
Тадбир сўнгида фестивални тайёрлашда фаол иштирок этган ўқитувчи ва ўқувчилар вилоят маданият бошқармасининг фахрий ёрликлари билан тақдирланишди. Тадбирда 400 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этишди.
Ё.Тошмуродов, Вилоят маданият бошқармаси мутахассиси



Назм



Ўзингизни асранг, азизлар!

Ўн олтинчи март куни бирдан,
Бутун элга тарқалди миш-миш.
Жаннатмакон Ўзбекистонга,
Вирус кириб келибди эмиш.

Ваҳимага тушманг, инсонлар,
Касалликнинг чораси бордир.
Аллоҳ деган ҳар бир инсонга,
Биллинг, Ўзи ҳамиша ёрдир.

Аллоҳимдан беамир, билинг,
Тикон кирмас оёғимизга.
Доим унга шукронга айтинг,
Кўйиб олинг қулоғингизга.

Ҳосиятсиз бўлмайдиган ҳар иш,
Бу касаллик бизларга синов.
Ўзингизга келтирманг ташвиш,
Тушқинликка тушманганда дарров.

Малакали шифокорлар ҳам,
Қурашмоқда касаллик билан.
Барчалари бўлиб жамул-жам,
Изланмоқда жон-дили билан.

Бир ёқадан бош чиқариб биз,
Харакатда бўлмоғимиз шарт.
Доим бўлсак бизлар ширин сўз,
Касалликни енгамиз албатт.

Ўзимизни эҳтиёт қилиб,
Тозаликка риоя қилиб,
Амал қилсак ун беш қоидага,
Умримиз қолади фойдага.

Қўлни-қўлга бериб ҳаммамиз,
Касалликни бир кун енгамиз,
Ўзинг мададкор бўл, Аллоҳим,
Панҳонингда асра илоҳим.


Бизнинг жаннатмакон Ўзбекистонда дуоғўларимиз кўп. Кўпнинг дуоси кўл дейишади. Худо хоҳласа, бу офат бизни асло енголмайди. Шойира Марҳабохон Каримова айтганларидай:

Энг аввало, Ношукур бўлманг,
Бе ибодат, бе зикир бўлманг,
Нодон билан ҳамфиқр бўлманг,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Гулнозхон Мусулмонқулова

Мозий тилга кирганда

Маржон ичидаги дур ёхуд шаҳар ичидаги шаҳарча



Тарихий манбаларда келтирилишича, XVII асргача Бухоро Аркининг иккита дарвозаси бўлган. Ғарб томонидаги дарвоза “Дари Регистон”, иккинчи шарқий дарвоза “Дари Гўрион” деб аталган. Ғарбий дарвозанинг кираверишида “Тахтапул” (тахтадан асалган кўприк) бўлиб, унинг икки томонидаги йўтон арқонлар ёрдамида Арк дарвозаси ичкарисиди махсус кўтаригич мосламалар билан дарвозага ёпиштирилиб юқорига кўтарилган ва Аркга киришнинг ҳеч қандай имконияти бўлмаган.

XVIII асрда Регистон дарвозаси қайта таъмирлангач, тахтадан қилинган пул (кўприк) олиб ташланиб, ўрнига гишт қўлланилган. У ҳозирга қадар бир неча бор ўзгартирилган. Шарқий дарвоза эса бизгача етиб келмаган. Аркининг шарқий қисмида Зарафшон дарёсининг кичик бир irmoғи оқиб ўтган. У Арк билан шаҳристонни боғлаб турувчи кўприк бўлган. Афсуски, бу кўприк ҳам бизгача сақланмаган.

Бъэзи бир тарихий манбаларда ёзилишича, Бухоро Арки бино бўлишидан олдин ҳам Зиндонни олий ва Бозори чўбгача шаҳристон бўлган. Шунинг учун Бухоро шаҳри 2500 йиллик эмас, уч (3) минг йиллик ва ундан олдинроқ тарихга эгадир деб ёзилади. Бухоро вилояти маданий ме-

рос бошқармасининг билдиришича, археологик илмий тадқиқотлар натижасига кўра, бу маълумотлар ҳозирча ўз тасдиғини топганича йўқ.

Бухоро Аркининг яна бир жиҳати шундаки, унинг деворлари кучли стратегик муҳофагага эга бўлган. Қадим тарих манбаларига назар ташласак, Аркининг шимолий қисми сувликдан иборат бўлган, шунинг учун шимолий деворлари тикка ва баланд қилиб қурилган, душманлар асосан ғарб ва жануб томондан ҳужум қилиши хавфи юқори бўлгани сабаб, ҳимоя тизими буржлар билан мустаҳкамланган. Буржлар нафақат атрофини кузатиш, балки деворларни ҳимоялашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Масалан, девор юқорисидан туриб унга чиқишга уринган душманларни ўққа тутиш ноқулайлик туғдирган. Шу боис буржлардан туриб душманга ён томондан зарба берилган. Шу тариха ташқи душмандан ҳимояланиш ҳамда уларга етарли қаршилик кўрсатиш мақсадида кучли истеҳкомга эга бўлган.

Бухоро Арки ўрта асрлар ҳамда сўнгги ўрта асрлар шаҳарсозлигининг мукаммал архитектурасига асосланиб қурилган нодир дурдоналардан десак, мулоҳаза бўлмайди.
Зариф Комилов, ЎА

ТАНЛОВ!!!

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

“Уйдаги юлдузлар”

танловини эълон қилади.

Танлов шартлари: карантин даврида уйингизда ижод билан машғул эканингизни тасвирга олиб, ижод намунангизни @mvforbot ботига юборинг.
Иштирокчилар ёши чегараланмаган, яъни танловда барча Ўзбекистон фуқаролари қатнашиши мумкин.
Ҳар бир йўналиш ғолиби

2 000 000 сўмдан пул мукофотини қўлга киритади.



Танлов 25 мартдан 25 апрелга қадар давом этади.

Танлов йўналишлари бўйича:

- 1 “Энг яхши чолғу ижрочиси”
- 2 “Энг яхши хонанда” (маком, бахши, эстрада ва опера)
- 3 “Энг яхши рақс ижрочиси”
- 4 “Энг яхши рассом”
- 5 “Энг яхши ҳунарманд”

танланади ва тақдирланади.

УЙДА ЎТИРИБ ЮЛДУЗ БЎЛИНГ!

Яширин кирраларингизни намоён қилинг! Карантин кунларини мароқли ва фойдали ўтказинг!

» Бир экспонат тарихи

Йиртқич қушлар

Тасқара – ўлаксалар билан овқатланадиган йиртқич қушлар вакили. У қанотларини ёзганда 3 м.гача, оғирлиги эса 12 кг.гача етади. Бу қуш республикамизнинг барча тоғ тизмаларида яшайди. Овқат излаб текисликлар ичкарисигача учиб боради. Дарахт ва қояларга уя қуради. Санитар сифатида табиатга фойда келтириб, хайвонлар ўлаксалари билан озиқланади.



Тасқаранинг бош ва бўйни юнгсиз, бу ўлаксалар билан озиқланувчи кўпгина қушларга хосдир.

Болтаютар – ҳаёт кечириши ва тузилиши кўра тасқаралар билан бургулар оралигида туради. Йиртқич қуш қанотини ёзганда 2,7 м.га етади. Уч-ётганида узун думи ва энсиз қанотлари билан фарқ қилади. Яқиндан қаралса, тумшуги остида соқолга ўхшаш қаттиқ

қорамтир патлар тутами эътиборни жалб этади, турли бандлиқдаги қояли тоғларда яшайди. Улган хайвонлар билан озиқланади, шунингдек, суякни ҳам ҳазм қила олади. Болтаютар кам учрайди, у ҳимояга олинган хайвонлар рўйхатига, яъни “Қизил китоб”га киритилган.

Н.Исохонова,
«Табиат бўлими» бўлими музаси

» “Эслаб-эслаб” лойихаси

Қувасой шаҳар Маданият бўлими тасарруфидаги Марказий маданият марказида асл миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиздан бири бўлган тарихий хотира билан яшаш, инсонларни ёд этиш, ўтганларга юксак ҳурмат ва эътиром кўрсатиш учун “Эслаб-эслаб” лойихаси асосида республикамизда биринчилардан бўлиб “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвони соҳиби, ўзидан яхши ном, хайри ишлар қолдирган Заҳриддин Ҳасанов хотирасига бағишланган “Ибратли умр соҳиби” номли маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда шаҳар жамоатчилик вакиллари, маданият маркази ходимлари, шаҳар жомеъ масжиди имом хатиби О.Абиджонов, устозни яқиндан таниган инсонлардан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Йўлдошли Замонов, ундан таълим-тарбия олиб, бугунги кунда жамиятда ўз ўрнини топган ўқувчилари, фарзандлари, набиралари ва қариндошлари ҳамда шаҳардаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари фаол иштирок этишди.



Ибратли умр соҳиби

Маданий-маърифий тадбир аввалида устоз хотираси ёд этилиб, латиф фазилатлари, беминнат хизматлари ва барча солиҳ амаллари тилга олинди ва дуога қўллар очилди. Тадбирни Қувасой шаҳар маданият бўлими мудир А.Солиев очиб, лойиха ташаббускорлари Л.Мамажонов ва М.Мирзаевларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Шунингдек, устознинг Қувасой шаҳри раваннага улкан ҳисса қўшгани, фидойилиги эътироф этилди. Сўнг Заҳриддин Ҳасановнинг қизи Нафисахон Ҳасановага сўз берилди.

“Дадам – Заҳриддин қори Ҳасанов ўтган аср бошининг иккинчи ярмида Марғилон шаҳрида тутилган. Отанасидан эрта етим қолган отам ва укасининг ёшлиқлари очарчилик даврига тўғри келган, – дейди Нафисахон Ҳасанова. – Дадамнинг эҳсин ўткир, илмга чанқоқлигини кўрган тоғалари у кишини Бухоро мадрасасига ўқишга жўнатдилар. У ерда дадам араб тилини ва динни мукамал ўрганиб келдилар. Мамлакатимиз крилл алифбосига ўтгани сабаб отам янги ёзув билан Фарғона педагогика олийгоҳининг Она тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, у ерни имтиёзли диплом билан битиради. Урушдан кейинги 1947 йилда «Облоно» йўлланмаси билан Қувасой шаҳрининг 33-етим болалар уйига ишга келади. Бошпанасиз бўлган оиламизга болалар уйи директори қоровулхонада вақтинча яшаб туришни таклиф этиб, кейинчалик шаҳар раҳбариятидан уй олиб берадилар. Дадам чидамли, иродали, бировдан ҳеч қачон ердан сўрмайдиган, дардини дoston қилмайдиган инсон бўлган. У кишининг болалар уйидаги ўзбек гуруҳида 40 – 45 нафар етим тарбияланувчилари (ўғил-қизлари) бўлган. Биз ишга жуда талабчан ва қаттиққўл дадамин уйда кам қўрардик. Бор вақтини ва меҳрини етим болаларига берарди. Уларнинг уйга вазифаларини қаттиқ назорат қиларди. Тарбиявий соғатларда ҳам уларга яхши касб ёшлик учун доимий ўқиб изланиш, илмли бўлиш кераклигини ўқитарди. Дадам жуда тежамкор инсон эди, болаларга ҳукумат томонидан янги кийим берилгунча онам ўғил болаларнинг вильеъв кутуркасини қора рангга, қизларнинг пахтали сарғайиб кетган бахмал пальтолари ҳам бўёб берадилар. Дадам жуда кўп китоб ўқирди, газета ва журналлардаги янгиликларни болаларга ўқитиб, гапиртирар, шу тариха уларнинг нуқтарларини ўстириб, дунёқарашларини бойитарди. Болаларнинг туғилган кунларига ичига чиройли тилаклар ёзиб, китоб совға қиларди. Уйимизда дадамнинг катта китобхонаси бўларди. Бирорта бола келиб қолса,

“Ол, болам, ўқи хоҳлаганингни, кейин қайтарсан” дердилар. Дадамнинг барча ўқувчилари мактабда аъло баҳоларга ўқиб, баъзилари олтин медалга ҳам битиришган. Бу уларнинг кўнгил билан олиши натижаси эди. Дадамнинг барча ўқувчилари олий маълумотли бўлиб, ҳаётда ўз ўрнинларини топди. Улар оилали, бола-чақали, ҳаётлари фаровон, мартабалари банд бўлди.

Дадам 1962 йил нафақага чиқди. 1972 йили 70 ёшли тўйига шаҳар «таркоми» томонидан енгил автомашина совға қилинди. 72 нафар болалари “Сен етим эмассан!” деб ёзилган катта торларга билан уйимизга ташриф буюришди. Отамнинг ҳар йили таваллуд қушлари нафақат оила аъзолари, балки ўқувчилари даврасида ҳам нишонланарди. Отамнинг барча меҳнатлари юқори баҳолалиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи”, “Халқ таълими аълочиси”, “Меҳнат-шўҳрат” ордени унвонларига сазовор бўдилар.


ДАДАМ:
“Ўзбекистон – менинг Ватаним” деб Шундай юрт ишқиди ёндилар. Ўзбек эканларидан қувониб, Азим чирогига суяндилар”.
Тадбирда, шунингдек, Заҳриддин Ҳасановни яқиндан таниган инсонлар Йўлдошли Замонов, Ғанижон Саъди-хонов, нафақадати ИИБ ходими, майор Носиржон Жумабоев, Одижон Ҳакимовлар ҳам сўз олиб, у кишининг гўзал ҳулиқи, саховати, Ватанга фидойилиги, ҳар ишда фидойилиги, кечирган умри ҳар биримиз учун ўрганас арзиғулик улкан бир мактаб экани, бу инсонни таниган, билганлар саховатли, хушфелъ, бир бор сўхбатланган кимса борки, ҳурмат қилиб, яхши кўриб қоладиган, фозил кишиларини, илм аҳлини қадрлайдиган, аълозлайдиган инсонлиги ҳақида гапирди.

Кечада “Қувасой” ашула ва рақс халқ жамоаси яхкаҳон хонадалари Дилшоджон Турсуналиев, Дилмуроджон Йўлдошевлар томонидан жозибали куй-қушиқлар ижро этилди. Шундан сўнг устознинг набиралари ва шаҳардаги умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари томонидан шахримиз ривожига улкан ҳисса қўшган инсонлар ҳақидаги шоир Йўлдош Сулаймоннинг “Қувасойнинг суяч тоғлари” номли шеъри ўқиб эшиттирилди. Тадбир барчага манзур бўлди, ташкилотчиларга Заҳриддин Ҳасановнинг оила аъзолари ва яқинлари томонидан чўқур миннатдорчилик билдирилди.

А.Комилов, Марказий маданият маркази бадий раҳбари

» Тарихий ҳақиқат

Қорақалпоғистон 1965 йилги эпидемияни қандай енгган эди?



Қорақалпоғистонда 1965 йилда тарқалган вабо эпидемияси бутун Собик Иттифокни ларзага келтирди. Шу йили июнь-июль ойларида диарея билан оғриган беморларни қабул қилган маҳаллий тиббиёт ходимлари август ойи бошигача бу касалликнинг вабо эканини билишмаган. Хўш, бу эпидемия қандай пайдо бўлган эди ва карантин қанча вақт давом этган?

Карантин сўзи асли италян тилидан олинган бўлиб, «қирқ кун» деган маънони аниглайди. У илк бор XIV асрда Италияда қўлланилган. Ушунда ўлат тарқалган юртдан келган кема 40 кунгача қирғоққа яқинлаштирилмай денгизда ушлаб турилган.

– Қорақалпоғистонда 1965 йилги вабо эпидемияси даврида карантин ҳолати 10 августдан бошланиб, 17 октябрда тугайди, яъни карантин икки ойдан кўпроққа жорий қилинади, – дейди Ўзбекистон Вврачлар ассоциацияси Қорақалпоғистон бўлими бошлиғи Абдуқарим Мамбетқаримов, – Биз у пайтда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 5-босқичида таҳсил оллардик. 6 август кун Чирчиқда харбий дала амалиётида эдик. Бир пайт биз томонга милтиқчилар чироқлари бор харбий машиналар келиб, ичидан совуқ кийинган зобитлар тушишди ва махсус топириқ бўйича келишганини айтиб, фақат керакли нарсаларни олиб, тезроқ машиналарга чиқишимизни буюришди. Кейин 250 нафар талаба (фақат йигитлар) харбий самолётларга чиқдик. Ҳеч биримиз қарга бораётганимизни билмасдик. Сўрасак, етиб боргача билиб оласиз, дейишди. Нукусга яқинлаганимизда худудни дарҳол танидик, бизни махсус ерларга жойлаштиришди. Билсак, Қорақалпоғистонда вабо эпидемияси тарқалган экан. Талабаларни туманларга эпидемиолог врач сифатида тақсимлашди. Мен КеҒейли туманининг Энгельс совхозига бириктирилдим. Ушбу аҳоли яшаш пунктида мингдан ортиқ хонадонда бўлса, шунча одамга 35 койкали битта касалхона ва унда битта врач ҳамда иккита ҳамшира хизмат кўрсатар эди.

Карантин харбий қартибда амалга оширилди. Туманлар, қишлоқлар ўртасида қатновлар тўхтатилди. Барча ўтиш жойларини харбийлар назоратта олди. У йилларда қишлоқларда одамларнинг санитария-гигиена меъёрларига амал қилиш даражаси жуда паст эди. Уйларда оддий хожатхона ҳам йўқ эди. Бизларнинг асосий ишимиз ҳар бир уйда хожатхона бўлишини таъминлаш, шунингдек, касаллик бўйича ҳар кун марказий штаб-

га ҳисобот бериш бўлди. Барча уйларга дезинфекциялаш воситалари бепул тарқатилди. У пайтда қишлоқларда қора чивин хаддан ташқари кўп эди. Санитария-гигиена ва эпидемияга қарши қўлланган тадбирларимиз натижасида касаллик тарқатувчи қора чивинлар ҳам йўқ бўлди.

Ушунда аксарият хонадонларда ошхона билан ухлаш хонаси аралаш бўлиб ётарди. Биз ҳар бир уйга бирма-бир кириб, уларни дезинфекция қилишни, ошхона ва идиш-товоқларни тоза ушлашни, қўлларни тез-тездан совулаб ювишни (асосан овқатланшдан олдин), хожатхоналарга хлорли оҳак сепиб туришни ўргатдик. Очғини айтсам, 1965 йилги эпидемияга қарши тадбирлар аҳолини маданиятга, тозалikka риоя этишга ўргатди.


Эпидемия вақтида СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Аветик Буразаевнинг шахсан ўзи Нукусда бўлиб, бутун Иттифокдан малакали тиббиёт ходимларини Қорақалпоғистонга жалб этган. У Нукусда партия йиғилишини ўтказиб, ўша пайтда Қорақалпоғистон АССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Рейп Бабаназаровни вабо эпидемияси тарқалишида айбалаб, унинг ишдан олинишини ва партиядан чиқарилишини, шунингдек, жиноий жавобгарликка тортилишини таклиф қилган. Бироқ бунга Қорақалпоғистон обкомининг биринчи котиби Қалибек Камалов йўл қўймаган. Замондошларнинг эслашича, Рейп Бабаназаров шу йиғилишдан кейин қаттиқ сикхилди, бир кун ичида қора сочлари оқариб кетган. Лекин вабо эпидемияси бартафат этилишида у кишининг меҳнатлари катта бўлгани айтилди.

Рейп Бабаназаров 1967 йилда ҳимоя қилган диссертациясида вабо эпидемияси тўғрисида куйидагиларни маълум қилади.

«1965 йил июль ойида Қорақалпоғистоннинг қатор туманларида ўткир диарея қайд этила бошланди. 12 июль кун «Совет Қорақалпоғистон» колхозида яшовчи 35 ёшли К.М. кўп қусиш ва хушини йўқотган ҳолда Нукус шаҳар касалхонасига ётқизилди. Бир кун олдин, у аэропорт яқинидаги кўнда чўмилиб, аэропорт ресторанида овқатланган экан. 15 ва 17 июль кунлари яна икки қўшни аёл ўткир диареядан вафот этади. Улардан биринчи қариндоши Нукус аэропортида ишлар экан ва 15 июль кун унга «сурункали гастритнинг кучайиши» тахисси қўйилган. Бир ҳафта ўтгач, ўша кўчандан яна бир аёл ўткир ичак касаллигидан вафот этади. Кейин унинг олдига келган одам ҳам касал бўлиб қолади ва у ўз навбатида ўғлига, ака-

Умумхалқ хайрия ҳашари

“Келажак учун ўн кўчат”



14-15 март кунлари республикамиз бўйлаб эълон қилинган “Умумхалқ хайрия ҳашари” муносабати билан Фориш туманида янгидан барпо этилаётган “Ёшлар экологик боғи”да туман ҳокимлиги, барча ташкилот, муассасалар, маданият ходимлари ва вилоят прокуратураси, департа-

менти, Мажбурий ижро бюросининг вилоят бошқармаси ҳамкорлигида “Келажак учун ўн кўчат” акцияси доирасида хайрия ҳашари ўтказилди. Мингдан зиёд хашарчилар иштирок этган тадбирда тўққиз гектар боғ ҳудудига уч мингдан ортик арчалар, турли манзарали кўчатлар экилди.

Хашарчиларга туман маданият маркази қошидаги “Кичкинтой” халқ ҳаваскорлик кўғирчоқ театри, “Тоғ шалоласи” ашула ва ракс халқ ансамбли томонидан маданий хизмат кўрсатилди, “Дил ифори” мажмуасида тўқин дастурхон ёзилди.

Ш.Дархонов, Маданият маркази мутахассиси

си ва хотинига ҳам юктиради. Уч кундан кейин учаласи ҳам вафот этган.

Кегейли туманининг Жданов номидаги совхозда яшовчи 70 ёшли момо аэропортда ишлайдиган қариндошиникида бикроз вақт бўлиб, уйига қайтгач, 30 июлда ўткир ичак касаллигидан вафот этди. Унинг жанозасига қатнашган яна икки аёл 4 кун ўтиб, худду шу дард туфайли ҳаётдан кўз юмади.

Шундай қилиб, эпидемиянинг тарқалиши Нукус аэропорти атрофида бўлган, лекин бу пайтда вабо худуднинг анча кўп жойларига тарқаб кетган эди.

Август ойи бошига келиб, ўлим билан яқунланган ўткир диареянинг кўпайиши Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш идораларини хавотирга солди. Оммавий касалликлар пахтага сепилган пестицидлардан захарланиш сифатида қабул қилинди. 6 август кунини инфекциячилар ва эпидемиологлар гуруҳи Нукуста келишди. Кегейли, Чимбой туманлари ва Нукус шаҳар касалхоналаридаги беморларни кўриб, консултантлар уларга «грипп» (!) ва «пестициддан захарланиш» деган тахминий тахшис қўйишди. Бактериологик текширув ўтказилмади.

Уша пайтда вабо лабораторияси томонидан олинган материални ўрганган Ўрта Осиё Вабога қарши институтининг Эпидемиология бўлими ходими В.Л.Семитрочев бу касаллик вабо эканини тасдиқлаган.

Лекин мутасаддилар унинг вабо эканини инкор қилишга уринган. «Совет Қорақалпоғистони Хиндистон эмас ва бизда вабо йўқ. Совет ҳақиқатида доғ туширадиган бундай тахшисни тақдиф қилганларга тегишли санкциялар қўлланилиши лозим» деб пўлиса қилинган. Шунга қарамай, мажмур вазият фавқулодда чоралар кўришни талаб этди ва 8 августда касалликнинг вабо эканлиги ҳукумат даражасида расмий тан олинди.

10 августдан бошлаб Қорақалпоғистон бўйлаб карантин жорий этилди. Республикага 1380 нафар тиббиёт ходими, шу жумладан 460 нафар шифокор, 548 нафар тиббиёт ёрдамчиси, 269 нафар тиббиёт талабалари, 103 нафар фармацевт ва бошқалар келган. СССР соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.И.Бунаяз эса СССР Вазирлар Кенгагининг фавқулодда вакили этиб тайинланди. СССР Тиббиёт фанлари академиясининг тўлиқ аъзоси, профессор Н.Н.Жуков-Вережников бактериологлар, юқумли касалликлар бўйича мутахассислар ва соғлиқни сақлаш ташкилотчиларнинг маслаҳатчилар гуруҳини бошқарди.

Вабо патогенини юктирган одамлар аниқланган барча аҳоли пунктлари вабо ўчоқлари деб эълон қилинди. Маҳаллий тиббиёт муассасаларининг бош врачлари ўчоқ бошлиқлари этиб тайинланиб, уларга аниқ ҳудудлар бўйича вабога қарши тадбирларни ўтказиш буюрилди.

Касаллик авж олган ҳудудлар ҳарбийлар ва милиция томонидан қўршаб олинди. Автомобиль йўллари, темир йўл станциялари, аэропортлар ва дарё портларида назорат-ўтказиш ва санитария-карантин пунктлари ташкил этилди. Карантин ҳудудга кириш ва чиқиш фақат махсус рухсатнома асосида амалга оширилди.

Вабога қарши кўрилган барча тадбирлар натижасида Қорақалпоғистонда бир ой ичида ушбу касаллик бартараф қилинди.

Бу СССРда вабонинг оммавий тарқалишига қарши курашдаги биринчи тажриба эди.

1965 йилги вабо эпидемиясида Қорақалпоғистон бўйича 81 киши ҳаётдан кўз юмган.

– Коронавируснинг ҳам биз тезда енгамиз. Коронавирус билан холеранинг фарқи шундаки, холера ошқозон орқали ўтади, яъни ифлос қўл билан овқатланиш сабаб юқиши мумкин. Коронавирус эса ҳаво орқали ҳам юқди. Шунинг учун бугунги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда Ҳукуматимиз томонидан тақдим қилинаётган барча сақлашни қоидаларига тўла риоя этишимиз зарур. Кўпга келган тўйни тартиб билан енгамиз, – дейди Ўзбекистон Врачлар ассоциацияси Қорақалпоғистон бўлими бошлиғи Абдукарим Мамбетқаримов.

Е.Қаноатов, ЎЗА

Кадриятларимиз




Бахшичилик сарчашмаси

Ўзбек халқ оғзаки ижоди низоҳатда бойлиги ва ҳаммаш навқиронлиги билан ажралиб туради.

Убеккёё хазина бўлиб, ёшларни ватанга муҳаббат, миллий анъаналаримизга чексиз ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим ҳақимиятга эгадир.

Анъанавий достончиликнинг этник тарихимиз билан узвий ҳолда ривожланиши халқ оғзаки ижоди асрлар оша шаклланиб боришида асосий омиллардан ҳисобланади. Жумладан, “Тўрўли” туркумига кирувчи юздан зиёд достонлар – “Алпомиш”, “Қутғумиш”, “Ошиқ Ғарий ва Шохсанам”, “Қунарлар”, “Малика айёр” каби халқ оғзаки ижодиети намуналарининг яралиниши сабаб бўлган. Хусусан, ЮНЕСКО қарори билан 1999 йили “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланиши, унинг тарихи чуқур ўрганилиши ҳақиқати фикр-мулоҳазалар миллий кадриятларимизга жаҳон миқёсида берилётган қатта эътибордан дарак.

Келинг, руҳан яқин бўлайлик!



Қишлоқларда бекор ўтиришга вақт йўқ

Коронавирус пандемияси – бутун бутун дунё олдидан турган глобал муаммо. Гарчи вируснинг биринчи ўчоғи Хитой Халқ Республикаси бўлса-да, ҳозирда касаллик Европада авж олган. Бунга ривожланган давлатларнинг вирусга бепасанд қарагани, олдидан тегишлича чора кўрмагани сабаб бўлди.

Коронавирус дегани шундай маккур ва чидамли дард экани, кўрилган эҳтиёт чораларига қарамай бизнинг дёримизга ҳам кириб келди. Яхшиямки, касалланганлар вақтида карантинга олинди, йўқса, аҳвол жиддий тус оларди. Бироқ орамизда ҳалиям вазиятни тўғри тушунмай, нафақат ўзи, балки ўзгалар ҳаётини ҳам хавфга қўйиши мумкинлигини англамаётганларда йўқ эмас.

Бутун оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали доимий оғоҳликка ҳақиқатлар кўчар экан, билингни, шу юртда яшоб турган ҳар бир фуқаро ўз бурчини чуқур англаши, берилётган тавсияларга қатъий риоя этиши шарт. Энг муҳими, турли хил уйдирма ва бўхтонлар тарқалишига йўл қўймаслик даркор.

Бу чекка ҳудудларда яшаётган аҳолимизга ҳам тааллуқли. Улар ҳам ўз наватбатида ҳушёр тортиши, ўзи ва ақиллари саломатлигига бефарқ қарамаслиги, одамлар гағвум билан жойларга имкон қадар бормаслиги даркор. Сурхондарё вилоятининг Денов туманида ҳам рес-

Зеро, халқ достонлари бахши-шоирлар томонидан ажодларимиздан авлодларга ўтиб, ижод қилиниб келинаётган бой маънавий хазинадир. Шунинг учун ҳам “Алпомиш” достонининг миёг йиллиги тантаналарида “Бахши шоирлар ўз халқининг бийрон тилидир. Улар юртимизда доимо “Бахшили эл – эҳшили эл” дея эътироф этилади. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ҳам Ёлдор бахши, Амин бахши, Эргаш Жуманбулбуўли, Фозил Йўлдош, Пўлкан шоир, Берди бахши, Қодир бахши, Очил Махсум, Бекмурод Жўрабой ўли, Рўзимурод каби достончиларнинг номларини эҳтиром билан тилга оламиз. Шундай устоз бахшилар мактабини ўрганган ҳолда Самарқанд вилояти Нуробод туманининг чекка Ғаллақор қишлоғида яшовчи сирдарёлик ота-боба Саидмурод ва Дилмурод бахшиларга шоғирд тушган шоир Шавкат Бобомурод ҳозирги замон бахшичилик санъатининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бахшининг “Кел дўбйрам”, “Онажонгинам”, “Юртим маҳдин

қўйлайлик”, “Яна баҳор келди” каби китоблари чоп этилди.

Улар орасида “Сохибқирон Темурбек” достони алоҳида эътиборга сазовордир. Буюк Амир Темур сиймосига бағишланган ушбу достон халқ оғзаки ижоди йўлида, бахши-оқинларнинг қўйлашига мос тарада яратилган.

Шавкат Бобомурод 2019 йилнинг 5-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида ўтказилган Бахшичилик санъати фестивалида иштирок этиб, юртбошимизнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлгач, янада жўшқинлик билан ижод қилди.

Халқимиз маданиятининг ҳаётбахш сарчашмаси – бахшичиликни янада ривожлантириш, унинг миллий маданиятимиз ва санъатимиздаги ўрни ҳамда аҳамиятини юксалтириш, ёш авлоднинг миллий ўзлигини англаш, Ватанга садоқат, тарихий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда шундай бахши шоирларнинг ҳиссаси қаттадир.

Малика Нажмиддинова, Регистон ансамбли гайд-экспрессоводи

публиканинг бошқа ҳудудлари каби касалликнинг олдини олишга қарши чора-тадбирлар кўришмоқда. Туман марказий бозоридидаги озиқ-овқат расталаридан ташқари барча савдо шохобчалари ёпилган. Чойхоналар, ресторан ва барлар ҳам ўз фаолиятини тўхтатган. Аҳоли иложи борича кўчга чиқмасликка, бир жойда тўпланмасликка ҳаракат қилишмоқда.

Асосан дехқончилик ва чорвачилик билан шугullanувчи Денов туманига қарашли Ғалаба сув истеъмолчилари уюшмаси аҳли айни баҳор мавсумида ўз томорқаларида экин экиш ва ештириш билан банд. Ўзи қишлоқ аҳолиси баҳор келди дегунча пиёз ўтлаш, картошка чопиғи сингари дала юмушларига шўнғиб, вақтларини бекор ўтказишмайди. Шу билан бирга коронавирус ҳақида бериб берилётган хабар ва янгиликларни ҳам вақтида қузатиб бориб, қўйлаётган талабу тавсияларга мунтазам риоя этишмоқда. Қишлоқда тўйу маъракалар ҳам тўхтатишган, одамлар тўпланадиган чойхона ва яна шунга ўхшаш жойлар ёпилган. Фақат озиқ-овқат дўконлари ишлашпти. Маҳалла болалари ҳар ҳафтада йиғилиб футбол ўйнайдиган сунъий стадионлар ҳам вақтинча бекитилган.

Ота-оналар ёшлар вақтини мазмунли ташкиллаштириш чораларини ҳам кўришмоқда. Базиларни билимларини янада бойитиш учун китобга ошно тутили-

са, бошқалари ўзларига тегишли ҳудудда боғдорчилик, чорвачилик билан шугullanушга шайланган. Бундан ташқари, уй деворларини, ҳовлидаги дарахларни оқлаш, дераза ва эшикларни таъмирлаш билан банд бўлишга шай. Чет тилига қизиқувчилар бўш вақтларининг кўпроқ қисмини тил ўрганишга сарфлашга шай. Бунда уларга телевизор орқали берилётган хорижий тилларни ўргатувчи дастурлар қўл келмоқда.

Қишлоқ кўчаларида ҳам одамлар қамайган. Борлари ҳам хавфсизлик чораларига амал қилган ҳолда ниҳоблар тақинган. Аёллар хонадонларини тез-тез шамоллашиб туриш билан бирга тозалikka масъулият билан қараб, фарзандларининг эзода юриши, қўлларини мунтазам совунлаб ювишига аниқ қаратишмоқда. Яна болаларнинг дарс тайёрлашига ҳам қўмаклашиб, вазиятга жиддий ёндашишмоқда.

Тозаликка риоя этиш, берилётган тавсияларга безътибор қарамаслик коронавирсининг кенг қулоч ёйишига йўл қўймайди. Ўнат, вабо сингари дахшатли пандемияларга даво топган инсоният бу синволдан ҳам албатта эсон-омон ўтади. Бунда биз бир-биримизни руҳан қўллаб-қувватлашимиз, тозалikka амал қилишимиз, вақимга берилмаган ҳолда вазиятга тўғри баҳо беришимиз лозим.

Оламғир Абдиев

Моддий мерос

Керги

Қорақалпоқ аёллари ўтовни ва уй ичига қўйиладиган буюмларини нақшлар билан безашган. Ўтов ичига сандиқ, сабаёқ, чой сандиқлар, мис кумгон, лаган, губи че-лаклар қўйилган. Панжарасига эса керги ва хуржинлар илиб қўйишган. Шулардан керги астарларни тикилиб, у ичига нарсабуюмлар, идиш-товоқлар солиб қўйишга мўлжалланган махсус гиламча бўлган.

У ўтовга кириш эшиги ёнидаги мах-

сус жойга осиб қўйилган. Кергининг узунлиги 80 см.дан 125 см.гача, эни 35 – 80 см оралиғида бўлган. Олд томони турли нақшлар билан безатилиб, пасти қисми по-пуланиб ниҳояланади. Керги асоси оқ фон-га жун ип билан ҳар хил рангли ипда ту-кли нақшлар туширилиб, ўрмак (ўтов безак-ларини тўқишда қўлланиладиган ускуна) да тўқилади. Кўпроқ тароқ нақши турла-ри ҳамда муйиз (хайвон шохи)лар билан

қурилган тўртбурчак ва бошқа нақшлар қўлланилган. Кергилар қуроқлар, олача ва кигизлардан ҳам ишланган. Бундай керги-ларнинг бир қанча нусхаси Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи фондида сақланмоқда. Улар бебаҳо экспонатлар каторидан жой олган.

Гулназ Низанова,
Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи



Танлов

Халқаро ижро маҳорати



Март ойи бошларида (1-2-ҳафтасида) Россия-нинг Санкт-Петербург шаҳрида «Петербургская весна» XVII «Халқаро ижро маҳорати» кўриқ-танлови бўлиб ўтди. Унда Термиз ихтисослаш-тирилган санъат мактабининг махсус фортепиано ўқитувчиси Фарҳод Назаров ҳам қатнашиб, II Даражали лауреат ғолиблигини қўлга киритди. Унинг чикши хорижлик санъат усталарида кат-та таасурот қолдирди.

Хайрия ҳашари

«Обод юрт»



Наврўз умумхалқ байрамини муносиб ни-шонлашга тайёргарлик кўриш, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлиқни янада кучайтириш, маҳаллалар, аҳоли турар-жойларини ободон-лаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида 14-15 март кунлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Обод юрт» ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиши бўйича ҳукуватимиз томонидан Фармоиш қабул қилинди. Топпириқлар иж-росини таъминлашда Хоразм вилоят маданият бошқармаси тасаруфидоғи барча тизимли таш-килотлар фаол бўлдилар.

Спектакль

«Минг бир кеча»



9 март куни Бухоро вилояти Кўнгрочк театри олдига иқтидорли ўқувчилардан ташкил топ-ган «Театр студия» аъзолари болажонларга янги «Минг бир кеча» деб номланган спектаклини на-моиш эттишти. Уни режиссёр Муножот Эргаше-ва сахналаштирди. Энг қизиги ва қувонарлиси, спектакль француз тилида тайёрланди.

Қадриятлар қадрдан сўзлайди



«Дарвешона» тарихи

Хар баҳорда Сурхон воҳасининг маълум бир ҳудудларида «Дарвешона» деб аталувчи маросим ўтказилади. Ун-да ўша ерлик аҳоли катта дошқозонда ҳаммага етдирилган қилиб оқват тай-ёрлашади. Тадбирдан аввал қишлоқ фаоллари хонадонлардан имкония-тидан келиб чиқиб турли миқдорда пул йиғишади. Кимдир пул, кимдир маросимга сўйиш учун жонлик, яна бири гуруч беради. Йиғилган пулга езлажак дастурхоннинг каму кўсти тўлдирилади ва маросимни ўтказиш учун жой хозирланади.

Танланган кент ва текис адирга узун қилиб дастурхон тўшалади ҳам тўрт четига кўрпача солиб чиқилади. Дастурхонга нон қўйилиб, майиз ва қанд-қурслар сочиб ташлана-ди. Жой тўридан маҳалланинг ёши улуглари, муътабар кишилари ва дин-ий аҳкомлари ўрин олишади. Ота-хонлар чақ-чақлашиб ўтиришади, иш билан банд бўлиб, кўришолмай юрган биродарлар дилдан сўхбат қуришади.

Қашқадарёда «Йил оши», Сур-хондарё, Жиззах, Самарқанд ва яна кўпгина ҳудудларда «Дарвешона» деб аталадиган бундай тадбир баҳор ки-риб келишининг биринчи ёки иккин-чи ҳафтасида, баъзан «Наврўз» айёми-дан кейин ҳам нишонланади.

Филология фанлари доктори, про-фессор Маматқул Жўраев ушбу улум ҳақида шундай дейди: «Дарвешона» – йил барақали келсин, деган умидда эр-та баҳорда аҳолидан иктиёрий асосда тўпланган пўл ёки озиқ-овқат ҳисобига ўтказиладиган хайрия эҳсони».

Маросимнинг айнан қачон пайдо бўлгани ҳақида асосли далиллар йўқ. Бирок «Дарвешона» сўзининг лугавий маъносини таҳлил қилинганда, бир не-чта таҳминларга келиш мумкин. Ата-ма тожикча «дарвеш» сўзига «ўхшаб», «дек», «-дай» маъносини ифодалайди-ган «она» қўшимчасини қўшиб орқали

ясалган, яъни «дарвеш-ларга ўхшаб» деган ма-нони англатади.

Бу улум ҳақида кўплаб ривоят уфсо-налар ҳам бор. Масал-ла, авваллари дар-вешлар кўп бўлган ва уларнинг мўжиб яшайдиган жойи йўқ эди. Шунинг учун ҳам ҳар бир қишлоқда вақтинчалик яшаб, кейин бошқа ҳудудга кўчиб кетаверишган. Деҳқончилик ва хўнгармандчилик билан шуғулланадиган ўтроқ аҳоли қаҳратон қишдан эсон-омон чиққанига шукр қилиб, Аллоҳ йўлига эҳсон си-фатида молидан ва жонидан садақа қилиб, ўткинчиларга, дарвешларга едириб, улар дуосини олишган.

2012 йил Бухоро Давлат Универ-ситетининг 4-босқич талабаси бўлган Ойсулду Хидоева 2010-2011 ўқув йи-лида тайёрлаган «XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро воҳасида деҳқончилик маданияти ва улар билан боғлиқ улум ва маросим-лар» номли малакавий битирув иши-да «Дарвешона» ҳақида қизиқ бир ри-воят келтирган.

«Дарвешона маросими халқимизнинг қадимий улумларидан бири бўлиб, у тор-тимизнинг деярли барча вилоятларида тарқалган. Халқ орасида бу маросимнинг ажудга келиши ҳақида турли ривоятлар юради. Мен шулардан бирини, бузимдан зийтанганими келтириб ўтаман:

Қадим замонда Хизр бобо бўлган экан. Ужуда мулоийм, ҳаммага яхшилик қилар, дардманларга даво улашиб, етимлар бо-шини силар экан. Ҳар йили қишнинг охи-рида тўт дарахти тазида овқатланиб одамларни ўчиб, катта қозонда овқат пиширтираган. Шундай кунларнинг би-рида тўт дарахти тазида овқатланиб ўтирса, шу ердан бир мусофир ўтиб қолдиби. Мусофир сўз сўраб, бир юмуш би-лан узоқ юртва сафарга отланганини ай-

тибди. Хизр бобо мусофир йиғининг юзи-даги сўлгинликдан бир касали борлиғи тезда пайқабди. Сўнг идишда сув узатиб: – Дардингизнинг давоси бор, – дебди қўшилмаганда.

«Донғи кетган минглаб табиблар ши-фо тополмаган дардига, уст-боши эски, кўчада овқатланиб ўтирган шу чол даво топармиди?», дея ҳаёлидан ўтказибди йи-гит. Кейин эса «Бир ёмоннинг, бир яхши-нинг гапини ол, дейишади-ку, майли, мен-дан нима кетди, қўшилсам қўшила қолай», – деб йиғилганлар олдига борибди. Қараса сурунг авжида. Шу пайт Хизр бобо қўлини дуога очибди. Бола-бақраси билан келган одамлар ҳам бобоса қўшилишибди. Бу йи-лги кўклардан кимдир дардига шифо ти-ласа, яна кимдир ҳосилига ризқ-рўз сўраб пиширилашибди. Уларнинг ҳаракатларини қаратаётиб мусофир йиғит ҳам қўлини дуога очиб дардига шифо сўрабди. Шу пайт йиғит ўзида ўзгариш сеза бошлабди. Дардига дармон топиладиган йиғит бўлибди. Қўнчиликнинг дуоси вожиб дейди халқимиз. Ана шу воқеадан кейин бу одат халқ ичида «Дарвешона» номи билан тарқалиб кетган экан.

Ҳар йили баҳор фасли келиши билан қишлоқларда 2-3 киши уйма-уй юриб, пўл ёки озиқ-овқат тўлаиб, тепаликларда овқат (ҳалим) пиширишади. Бу таомни баъзи бир жойларда «ҳадисса» дейиш-ган. Уни асосан йиғитлар, катта ёшда-ги кишилар ниёт қилиб бир кечаю бир кундуз пиширишган. Сўнг овқатни бир дастурхон устида бутун қишлоқ баҳам кўрган. Шунинг учун ҳам уни «Деги дар-вешон» – «дарвешлар қозони» дейишган.

Бу маросим қадимда юртда бир-ор офат бўлганда (касаллик тарқалганда, қаҳатчилик, очар-чилик бошланганда) ундан халос бўлиш ёки деҳқончилик ишларига яратилган ривож тилаш мақсадида ўтказилган. У дар-вешлар одатига ўхшаб, уйма-уй юриб озиқ-овқат йиғиши билан боғлиқ бўлгани учун Дарвешона (дарвешлар-га ўхшаб) деб аталган. Дарвешонада йиғилган маблағ, ғалла, ғўшт ва озиқ-овқатлардан қатишоқ оила ёки бева-бечораларга берилган. Шундай қилиб, ҳар кўкларм яқинлашганда одамлар «Дарвешона»га йиғилишади.

Жанубий Қирғизистон қишлоқ-ларида бўлиб ўтган дарвешона маро-симиди маҳаллий тарихшунос ва ёзув-чи Ҳабибило Идрисов «Америка Ово-зи» муҳбирига берган интервьюси-да шундай дейди: «Эҳсоннинг ўзига хос бир тури бўлиши бу улум тарихи узоқ ўтмишига бориб тақалади, у ислом дини-нинг минтақага киришидан олдин шакл-ланган ва «дарвешларга ўхшаб» деган ту-шунчани беради. «Дарвешона»да қари-қартанлар, бетоблар, камхарж хонадон-лар йўқланади. Маросим сўнгида жамоа Яратқандан яхши об-ҳаво, экинлар учун етарли оқин сув, мўл ҳосил сўраб тило-ват қилади».

Мамлакатимизда мазкур улум қадимдан ўтказиб келинар экан, хали-хануз ўз кадр-кимматини йўқотгани йўқ. Бу туғни кунда дарвешлар йўқлиги боис элдан йиғилган эҳсонлар шу ер-лик аҳолига, етим-есирларга, турму-ши оғир оқиларга, бемор ва дардман инсонларга тарқатилади. Бу ўз навбати-да халқимизнинг азалдан инсонпарвар, меҳрибон бўлганини кўрсатади. Бизга мерос бўлиб келаятган урф-одат ва анъ-аналаримизда аҳшилик, ота-боболар руҳига ҳурмат, меҳнатсеварлик дои-мий уфуриб туради.

Оламғир Абдиев

МАДАНИЯТ ОВНА ИНДЕКСИ: 285

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир Дилбаҳор Худойбердиева

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова

Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева

Навбатчи: Н. Содиқова

Адади - 8733 Буюртма - Г - 327

Сотувда келишилган нархда

Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Гурон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 21.30

Топпирилди - 21.30

1 2 3 4 6

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Таҳририятга келган қўлёмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асослар муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.